

КОММУНИКАНТЛАРНИНГ МАВҚЕИЙ ВА ПОЗИЦИОН  
РОЛЛАРИНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКНИ ТАНЛАШДАГИ ТУТГАН  
ЎРНИ

*Секция: Педагогика*

**Бердиёрова Раҳима Каримовна**

*(Қарши давлат университети ўқитувчиси, Ўзбекистон)*

Коммуникантларнинг ижтимоий мавқеи ушбу ижтимоий гуруҳ учун характерли бўлган фразеологик бирликларни танлашни белгилайди. Масалан, З. Мак Бейннинг “Give the Boys a Great Big Hand” романида қаҳрамонлар-полициячилар ҳам бир-бири билан, ҳам кўнгилдаги нутқда /адресат ва адресант бир-бирига мос келган ҳолда/ оғзаки, сўзлашув тилидаги фразеологик бирликларни /жаргон, сленг/ қўллайдилар.

Масалан: Now cut that out he thought. It's bad enough. It's raining. We don't have to start thinking of creepy cadavers... Listen let's not even think about it. It Makes me itchy/. Well, listen, you're a cop, he reminded himself. What do you think cops do? Turn off fire hydrants all the time? Break up stick-ball games? I mean now let's face it, every now and then a cop has got to find a stiff. Listen, this makes me itchy. I mean, that's what you got paid for, man.

Келтирилган мисол – романнинг бош қаҳрамони – полициячининг кўнгилдаги нутқи. Уни мунтазам равишда кўнгилсиз хотиралар таъқиб қилади, ўз иши билан боғлиқ хотиралар, хотираларни доимо у ўзидан қувишга ҳаракат қилади (cut that out), чунки улар уни тўлқинлантиради, безовталиқ ҳис қилишга мажбур этади (it makes me itchy (sl.)). Нейтрал (ill at ease) билан қиёсланг.

Ўқимишли кишиларнинг нутқи, ижтимоий зинапояннинг анча юқори поғоналарида турган кишиларнинг нутқи эса ўзининг лингвистик тўлалиги билан ажралиб туради. Мисол тариқасида Пуаронинг нутқини келтириш мумкин. Яхши тарбия, билимдонлик (ақл-зоковат) унинг мулоҳазаларининг тил безагини белгилайди. У ҳар қандай шароитда ҳам ўзига дағалликларни, айниқса вульгаризмларни ишлатишга йўл қўймайди. Пуаронинг нутқи – бу ўқимишли одамнинг нутқидир, унинг лингвистик тўлалиги фақат “сўзлашув тили – адабий тил” доирасидагина ўзгариб туриши мумкин.

Бироқ, юқорида кўрсатилганидек, ҳар қандай кишининг нутқи муносабат доираси ва адресат кўзда тутган мақсадга қараб ўзгариши мумкин. Бундай ҳолда фразеологик бирликлар, яхши ишлов берилган экспрессивликнинг белгилари сифатида, ҳар доим сўзловчи маълум даврада кийиб оладиган ниқоб бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Масалан, худди ўша Пуаронинг нутқи назокатли, хатто ҳамдардлик билдириш ва бу билан суҳбатдошини ёрилишга (дардини айтишга) мажбур қилиш учун олижаноб бўлади.



“Monsier,” said Poirot, his manner suddenly very foreign, «believe me, my heart bleeds for you. Such a loss! Such agony as you must be enduring! Ah, but I will say no more.”.

Ва аксинча, баланд мартабали шахслар /ушбу ҳолда – бош вазир ва адмирал/, ўзаро норасмий суҳбатлашган пайтдаги ишлатадиган ибораларни ҳеч қандай шароитларда ўзлари ишлатишига имкон бермаган бўлардилар, бу фақат уларнинг яқин муносабатларини, “тенг тенги билан” муносабатларини таъкидлайди.

Уларнинг суҳбатида вульгаризмлар туркумига киритилган кўпол /сўкиш/ start arseing around ФБнинг қўлланилиши адмирал Блантнинг русларга ва улар билан қандайдир алоқаларни ўрнатишга нисбатан салбий муносабатини акс эттиради.

Бундай фразеологизмнинг қўлланилиши матннинг прагматик мақсадга қаратилганлигини амалга ошириш учун коммуникатив прагматик ҳолат талаблари билан боғлиқ. Нафратланишнинг юқори даражаси ҳам “вазият матнининг” ёрдами билан, ҳам матнда “хабар жўнатувчининг нутқни қабул қилувчисига тегишли таъсир кўрсатишда анланган ниятини” мужассамлантирадиган фразеологизм ёрдами билан узатилади .

“... If one could get into touch with the Russians - I really think a personal visit at top level-” “You stick where you are, Prime Minister,» said Admiral Blunt. “Don’t you starter seing around with the Russkies again. All they want at present is to keep out of ail this mess. ... All they mind about is keeping an eye on the Chinese to see what they will be up next /P to F, 122/.

Ўз оғайнилари, ҳамкасблари билан муносабатда сўзлашув тилига оид, вульгаризмлар ва ҳатто сўкиш иборалари билан тўлиб-тошиб ётган полициячининг нутқи, ўзи жуда яхши кўрадиган, ҳурмат қиладиган ва фикри билан ҳисоблашадиган хотини билан, ёки унвони, ижтимоий мавқеи бўйича юқори турган катталар билан суҳбатлашганда, ўзгаради. Айни пайтда охиргилар унга нисбатан ўзларининг мавқеий ўрни имкон берадиган бутунлай беандиша ибораларни ишлатадилар. Масалан:

“Boy, there are times I wish I was a movie star or something,» Frick said. “All right, get out. Look alive, Genero. Keep on your goddamn toes”.

“Yes, sir”.Genero saluted and left the captain’s office hurriedly, thanking his lucky star that no one had discovered he’d had two glasses of wine in Max Mandel’s shop just before finding the bag” /Ed Mc B, 29/.

Keep on one’s toes /русча “держи хвост пистолетом” билан солиштиринг/ ФБнинг ишлатилиши шахс-дейктик қўлланишда чекловга эга: СЕН – грамматика – фақат амали, ижтимоий аҳволи, ёш ва ҳ.к. бўйича юқори турувчилар нутқида ёки “битта поғонада” турувчи коммуникантлар нутқида. Ушбу ҳолда эмотив модаллик – маъқуллаш оттенкаси билан ҳомийларча маслаҳат-истакдир.

Шахс-дейктик қўлланишда бундай чекловга эга бўлган фразеологик бирликлар фақат ўзлаштирама нутқда, ёки муаллифлик матнида /У – грамматика/ билвосита характеристикаси кучга кирганда кузатилади. Ўзининг жамиятдаги ўрни сабабли



сўзловчи суҳбатдошига тўғридан-тўғри “бас қил” (“овозингни ўчир”) деб айтишни, ёки суҳбатдошини “сўкиб (хайдаб) юборишни” ўзига эп кўрмайди. Масалан:

“You’re such a cheerful fellow, Pagett,” I said.

“I trust your imagination runs away with you. If I were you, I should go to the dance as a death’s head or an executioner. It will suit your mournful style of beauty”. That shut him up for the time being, I went on deck / M B S, 62/.

Resisting the temptation to say, “Donald Duck to you”, I put down, the telephone and called up the stairs to where I could hear the sound of Partridge’s activities overhead.

/ The F, 74-75/

Шундай қилиб, фразеологик бирликлар қаҳрамонларнинг ижтимоий мавқеи нуқтаи назаридан, уларнинг характеристикасидан ташқари коммуникантларнинг яна ҳам позицион, ҳам ситуацион аҳамиятларини (ўринларини) акс эттириши мумкин.

Кейинги мисолларда “X” “Y”дан юқори: ёки ёш жиҳатидан катта, ёки анча ўқимишли, ёки катта ҳаётий тажрибага эга. Бундай матнларда қайд қилинган фразеологик бирликлар асосан ўзининг одатий прагматик имкониятини амалга ошириб ишлатилади. Бутун КПҲ шарофати билан, “X” нинг “Y”га нисбатан мулоҳазалари ҳомийларча жаранглайди. /СЕН – грамматика/ шахс-дейктик муносабатлари ишга тушади. Қуйида келтирилган мисолларда “Y”нинг ҳаракатларини ёки маъқуллаш, ёки огоҳлантириш, танбеҳ, ёки маслаҳат ва ҳ.к. кузатиб турилади.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abduraxmanova M. U. Kasallik nomlarining semantik va pragmatik tadqiqi (o‘zbek, rus, ingliz tillari misolida). Andijon. Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati, 2023. -С. 8 бет.

2. Н.В. Карповская- provided by Siberian Federal University Digital Repository brought to View metadata, citation and similar papers at core.ac.uk).

3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. М., 1996.

4. Christie A. Lord Edgware Dies. -Glasgow, 1980. -192 p. /LED/. Christie A. The Man in the Brown Suit. -London, 1974.-190 p. /MBS /.

5. Christie A. The Mysterious Affair at Styles. -London, 1974. -190 p. /M A S/.

